

---

## Эҳтиёжмандларни қўллаш чоралари кўриб борилмоқда

Бюронинг Ўзбекистон туман бўлими томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Асосий эътиборларнинг бири Бюро органлари долзарб бўлиб келаётган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 1-чорагида ҳамда апрель ойининг 10 кунлигида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни қўллаб қувватлаш учун очилган махсус ҳисоб-рақамларга 500 млн. сўмлик маблағлар йўналтирилди.

Ушбу маблағлар қийин шароитда яшаётган, кўмакка муҳтож фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилади.

2022-04-11 14:43:33